

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ**

Ижтимоий фанлар кафедраси

**«ИНСОН ҚАДРИ –
ТАРАҚҚИЁТ
СТРАТЕГИЯСИНИНГ
АСОСИ»**



Республика илмий-назарий конференцияси

(«Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»га бағишланади)

Бухоро – 2022

ЖАМИЯТДА ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЯНАДА ОШИРИШ МУАММОЛАРИ. <i>Омарова Г.С.</i>	105
НАВОИЙ ЎГИТЛАРИДА БАРКАМОЛ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ. <i>Султонова Л.С., Жумаева Д.</i>	107
ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ – ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ. <i>Султонова Л.</i>	110
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. <i>Қодирова М.</i>	113
ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ. <i>Чориева Н.</i>	116
ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИДИР. <i>Тогаева С.Р.</i>	119
ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДА. <i>Каландарова Ф.А.</i>	121
БУХОРОДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ТАРИХИЙ- ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ. <i>Қамариддинов Ш.</i>	124
АБДУРАУФ ФИТРАТ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ. <i>Қамариддинова Г.</i>	126
MA'NAVIY TARAQQIYOTIMIZNI YUKSALTIRISH DAVR TALABI. <i>Tosheva O.K.</i>	128
ИНСОНПАРВАР ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ. <i>Тогаева С.Р.</i>	131
ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЪЛИМОТЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҒОЯСИ. <i>Кличева Ю.С.</i>	134
ЗАЩИТА ПРАВ И СВОБОД ЧЕЛОВЕКА. <i>Каюмова Л.Ш.</i>	136
ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ. <i>Каюмова Л.Ш.</i>	138
СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ УСТУНЛАРИДАН БИРИ. <i>Чориева Н.</i>	139
МАЪНАВИЯТ ЖАМИЯТ ЮРАГИ. <i>Шойимова Г.</i>	142
МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ. <i>Шойимова Г.</i>	144

ЖАМИЯТДА ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЯНАДА ОШИРИШ МУАММОЛАРИ.

*Омарова Г.С. – БухДУ ўқитувчиси,
Уразбаев А. – БухДУ 2-босқич талабаси*

«Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мавофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт», - деб таъкидлайди ўз нутқида президентимиз.

Жамиятнинг ҳуқуқий камолоти мамлакат аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлик даражаси билан белгиланади. Ижтимоий фаол ва юксак маданиятли инсонга хос бўлган фазилатлардан бири ҳуқуқий маданиятга эга бўлишдир. Умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлган ҳуқуқий маданиятнинг негизини ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тафаккур ташкил этади. Ҳуқуқий онг шахснинг жамиятдаги ўрнини белгилайди, жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги қанчалик юқори бўлса, ҳуқуқий нормаларда белгиланган талабларнинг бажарилиши ҳам шунчалик тўлиқ ва аниқ бўлади. Мазкур ҳолат жамиятда қонун устиворлигини таъминлашга хизмат қилади, бунда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш учун, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия, бошқача айтганда ҳуқуқий маърифатни такомиллаштириш заруратини вужудга келади.

Ҳуқуқий маданиятимизнинг нақадар ночорлиги, айниқса, бирон фавқулудда вазият юзага келганда билиниб қолади. Маркетинг мақсадларида ўтказилаётган турли тадбирларда ёки йўлларда юзага келган тирбандликларда, навбатда турганда ёки биров билан у ёки бу масалларда ахдлашувларга риоя қилиш жараёнида ҳуқуқий маданиятимиз ўз «қиёфасини» намоён қилиб кўяди. Биз оддийгина навбатда туриш ёки махсус йўлакчадан пиёданни ўтказиб юборишни билмаймиз.

Аҳолида ҳуқуқий онгнинг етарли эмаслиги оқибатида маиший коррупцияни тўлиқ йўқота олмаяпмиз. Коррупция ноқонуний ҳаракат эканини ҳамма билади, аммо оддий фуқародан юқори мансабли амалдорларгача пора олди-бердиси устида ушланаётгани ачинарли ҳолдир.

Ҳуқуқий таълим мактабгача таълим тизимидан бошланиб то олий таълим муассасаларида ҳам босқичма-босқич, тизимли равишда ўрганиб

келинади, фуқаролар ўзларининг бутун кейинги ҳаёти давомида улар ҳажмини кўпайтирадилар, чуқурлаштирадилар ва улардан ўз кундалик ҳаётларида фойдаланадилар.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий маърифий тадбирлар ва учрашувларни кенгайтириш, халқимиз тарихи, дини, миллий кадриятларини ёш авлод онгида шакллантириш орқали ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш каби долзарб вазифалар турган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармонининг қабул қилиниши айни муддаодир. Мазкур Фармонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаётганлиги, узок йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаганлигини, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий кадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаганлиги ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатаётганлиги айтиб ўтилган.

Шу ўринда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ўзи нима деган саволга ойдинлик киритиб ўтамиз. Ҳуқуқий онг – қисқача қилиб айтганда ҳуқуқ ва қонунчиликка оид одамларнинг тасаввурлари, уларнинг ҳис-туйғулари, амалий тажрибалар таъсирида пайдо бўлган ҳуқуққа нисбатан муносабатини ифодалайди.

Ҳуқуқий маданият эса – фуқароларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиши, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги тушунчаларини талқин қила олиши ҳамда улардан тўғри фойдалана олишидир.

Бугунги кунда юртимизда барча жабҳаларда туб ўзгаришлар юз бераётган масъулиятли паллада ҳуқуқий тарбиянинг барча шакл ва усуллари самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этишини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Шу сабабли ҳуқуқий маданиятимиз даражасига танқидий баҳо бериб, муаммоларимиз сабабини чуқур ўрганишимиз керак. Бироқ фақатгина қонунларни ўргатиш ва жавобгарлик билан кўрқитиш орқали қонун устуворлигига ва тараққиётга эриша олмаймиз. Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усуллари, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланмаётганлигимиз юқоридаги фикрларимиз исботидир.

НАВОЙЙ ЎГИТЛАРИДА БАРКАМОЛ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ.

Султонова Л.С. – БухМТИ «Ижтимоий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси, Жумаева Д. – БухМТИ 408-19 ТЖ гуруҳи талабаси

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлган. Бу табаррук заминдан буюк зотлар, олиму-уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққан, дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс бўлган.

Буюк мутафаккирларимиз тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: «Буюк аجدодларимизнинг беқиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, хуллас, инсон маънавиятига даҳлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлаяпти. Одамларда ўзлигини англаш,